

АҲОЛИНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ХОРИЖ АМАЛИЁТИ

Нуримбетов Тимур Узакбергенович

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
халқаро алоқалар бўйича проректори*

Аннотация. Мақолада Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш учун худудий бозорларни чуқур ўрганиш ва ривожланган давлатларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш борасидаги тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Дехқон шахсий ёрдамчи хўжаликларининг аҳамияти, соҳадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича истиқболли йўналишлар ёритилган.

Калт сўзлар: Қишлоқ хўжалиги, дехқон хўжаликлари, сув танқислиги, ер шўрланиши, суғориш тизими, агросаноат кластер, барқарор ривожланиш.

Аннотация: В статье целесообразно углубленное изучение территориальных рынков для обеспечения Республики Каракалпакстан продуктами сельскохозяйственного производства и использование опыта развивающихся государств по реализации сельскохозяйственной продукции . Были отмечены положительные тенденции, связанные с важностью дехканских личных помощников и устранением проблем и недостатков в отрасли.

Ключевые слова: Сельское хозяйство, крестьянские хозяйства, дефицит воды, засоление земель, ирригационная система, агропромышленный кластер, устойчивое развитие.

Annotation: Article B: it is advisable to carry out an in-depth study of the territorial markets to provide the Republic of Karakalpakstan with products of agricultural production and to use the experience of developing countries in the sale of agricultural products This year, positive trends related to the importance of

personal assistants and the elimination of problems and shortcomings in the industry were noted.

Key words: Agriculture, peasant farms, water scarcity, land salinity, irrigation system, agro-industrial cluster, sustainable development.

Аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш учун ҳудудий бозорларни чуқур ўрганиш ва ривожланган давлатларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш борасидаги тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотиш каналлари яхши йўлга қўйилган ва аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлайдиган давлатлар қаторига Европа иттифоқи давлатлари, АҚШ, Хитой ва Японияларни айтишимиз мумкин.

АҚШ да қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улгуржи ва чакана савдосининг мақсади истеъмолчиларни озиқ – овқат маҳсулотлари билан керакли вақтда ва керакли жойда таъминлашдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олишиниз мумкин бўлган кўплаб жойлар мавжуд. АҚШда улгуржи бозорлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жойларига яқин атрофда жойлашади. Уларнинг вазифалари турли ишлаб чиқарувчилардан маҳсулотларни катта партияларда йиғиш ва уларни қайта ишлаш учун озиқ – овқат саноати корхоналарига ёки улгуржи сотувчиларга йирик шаҳарларда реализация учун жўнатишга тайёрлашдан иборат. Баъзи фермерлар маҳсулотларни йиғишиň ўзлари бажарадилар, бошқалари ихтисосланган корхоналар хизматидан аутсорсинг асосида фойдаланадилар. Ишлаб чиқарувчилар билан улгуржи ва чакана савдо субъектлари орасидаги муносабатлар вақт ўтиши билан мустаҳкамланиб борди. Кўпчилик чакана савдо ташкилотлари улгуржи сотувчилар билан бирлашиб, уларнинг филиалларига айланди. АҚШда Голландия, Канада, Германия ва Япония улгуржи озиқ – овқат савдо корхоналари фаолият юритади.

Ўз навбатида, АҚШ компаниялари Канада, Мексика ва Лотин Америка

давлатлари озиқ – овқат улгуржи бозорларига катта сармоя киритдилар.

XX – аср бошларида товар ишлаб чиқарувчиларнинг жадал ривожланиши туфайли ва тартибсиз савдо амалиётининг кенг тарқалиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ – овқат бозорларининг монополлашуви тадбиркорлик ишларига давлатнинг фаолроқ иштирокига объектив зарурат пайдо бўлди. 1913 – йил 8 – 10 апрельда бўлиб ўтган маркетинг ва фермер хўжалиги бўйича биринчи миллий конференцияда асосий маъruzachi Висконсин штати университети Президенти Ван Хэйс ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига қадар катта микдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ёқотаятганлигини ва сифатини пасайишини таъкидлади. Шунинdek, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини воситачилар фермерлардан арzon нархларда сотиб олиб, истеъмолчиларга ўта қиммат нархларда сотиб ноҳақ даромад кўрганлигини айтиб ўтди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш шартларини яхшилаш учун у замонавий тилда “интеграциялашган кооперация” чора тадбирлар мажмуасин таклиф қилди. Ушбу комплекс таклифлар бир томондан фермерлар учун бозор нархларининг ошиши, иккинчи томондан истеъмолчилар учун чакана нархнинг пасайишига олиб келади.

Хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишни давлат томонидан тартибга солиш қуийдаги йўналишларда амалга оширилади:

- Бозор иштирокчиларнинг нормал фаолия юритиши учун шароит яратиш ва улар учун ягона тартиб қоидаларни жорий этиш орқали савдога кўмаклашиш;
- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларнинг даромад даражасини сақлаб қолиш, ички бозордаги таклиф ва талабнинг ўртасидаги оптималь мувозанатини ушлаб туриш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ягона стандартларни жорий этиш орқали товар айланмасини жадаллаштириш;

- Савдо операциялари ва бозор инфратузилмаси объектларини қуриш учун давлат ва хусусий кредитлардан фойдаланиш имконини яратиш;
- Истеъмолчиларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар сифатини назорат қилиш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни суғурталашни рағбатлантириш;
- Мелиоратив ишларни молиялаштириш орқали табиатни муҳофаза қилиш, эрозияга учраган ерларни консервация қилиш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар бозорида соғлом рақобатни шакллантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг монополлашувини назорат қилиш.

Ушбу фаолиятнинг барчасини давлат иқтисодий, молиявий воситалар ва маъмурий чора тадбирлар орқали амалга оширади. Иқтисодий ва молиявий воситалар сифатида маҳсулотларни ташиш ва сақлаш учун субсидиялар, имтиёзли солиқлар, давлат ва хусусий банклардан кредитлар олишни ташкил қилиш ва ҳар қил субсидиялардан фойдаланади. Маъмурий чора тадбирларга савдо квоталари, божхона тўловлари, маҳсулот сифатини назорат қилиш, монополлашувга қарши қўрашиш каби тадбирлар киради.

Тартибга солиш чоралари мамлакатда қабул қилинган қонунлар, ҳукумат қарорлари, турли Низомлар асосида амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун шароит яратишда давлатнинг роли қўйидагиларда номоён бўлади.

- Ишлаб чиқариш учун кредитлар беришда давлатнинг бовосита иштироки;
- Бозор инфартузилмасини яратиш;
- Бозор конъюнктураси ҳақида зарур маълумотлар базасини шакллантириш ва иштирокчиларга тезкор етказиш;
- Улгуржи бозорларни, ярмарка ва аукционларни, товар биржаларни ташкил қилишда кўмаклашиш;

- Маҳсулотларни сақлаш учун курайлик яратиш мақсадида музлаткичлар, складлар, автомобил йўллари ва ихтисослашган транспортларни яратиш.

Ушбу тадбирларнинг барчаси тўлиқ ёки қисман давлат бюджетидан молиялаштирилади ва солик имтиёзлари билан рағбатлантирилади.

Масалан, Францияда фермерлар кооперативларини ташкил этишдаги маблағларнинг 15 дан 30 % гача давлат томонидан субсидия ажратилади ва уларнинг фойдаси соликдан озод қилинади. Бозор инфратузилмасини қуришни кредитлаш орқали интеграциялашган бирлашмаларнинг ривожланишига олиб келади. Шунингдек, ишлаб чиқариш ва бозор объектлар қурилишини кредитлаш АҚШ, Англия, Канада, Нидерландия ва бошқа бир қатор давлатларда кенг тарқалган.

Қабул қилинган конун хужжатлари доирасида бозордаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нарх – навосини барқарор ҳолатда ушлаб туриш, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш бозор ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг танқислиги даврида бозордаги таклифлар қўламини оширишга қаратилган, маҳсулотлар ортиқчалиги даврида аксинча, маҳсулотларга бўлган таклифларни камайтиришга қаратилган чора – тадбирларни амалга оширади.

Бундай чора – тадбирлар қаторига таклифнинг талабдан ошиб кетиши пайтида бозор конъюнктурасига таъсир кўрсатиш мақсадида давлат томонидан харид ва товар интервенцияларини ўтказади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг тартибга соладиган максимал ва минимал нархларини белгилаб олади ва таклиф пасайиб кетганда давлат фермерлардан белгиланган нархларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олади. Нарх навонинг кўтарилиши билан давлат захирадаги маҳсулотларни бозорга чиқариш орқали нарх механизмини ушлаб туради. Бундай тадбирлар Европа Иттифоқи, Канада, Шарқий Европа, АҚШ ва бошқар бир қатор давлатларда ўтказилади.

Европа Иттифоқининг ягона аграр сиёсатида бозордаги нарх – наво

механизмини тартибга солиш мақсадида харид ва товар интервенциялар орқали озиқ – овқат бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархларини барқарор ҳолатда ушлаб туриш ҳамда маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш вазифалари белгилаб қуйилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi. (2020). Qishloq xo'jaligi sohasini rivojlantirish konsepsiysi. Toshkent: Qishloq xo'jaligi vazirligi nashriyoti.
2. Jo'rayev, J. J., & Rajabov, M. M. (2022). Qoraqalpog'iston Respublikasida suv resurslaridan foydalanishning iqtisodiy masalalari. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, (6). <https://iqtisodiyot.uz>
3. Davlat Statistika Qo'mitasi. (2023). Qoraqalpog'iston Respublikasining asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlari (2010–2024 yillar). <https://stat.uz>